

**№ S/4 (3) - 2023**

**ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ  
ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ**

**АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ  
СОЦИАЛЬНО-ГУМАНИТАРНЫХ НАУК**

**ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES  
AND SOCIAL SCIENCES**



**ЭЛЕКТРОН ЖУРНАЛ  
ЭЛЕКТРОННЫЙ ЖУРНАЛ  
ELECTRONIC JOURNAL**

# **SCIENCEPROBLEMS.UZ**

## **ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ**

Махсус сон

***Nº S/4 (3) – 2023***

**АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО-  
ГУМАНИТАРНЫХ НАУК**

**ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES**

**ТОШКЕНТ-2023**

## **БОШ МУҲАРРИР:**

Исанова Феруза Тулқиновна

## **ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:**

### **07.00.00-ТАРИХ ФАНЛАРИ:**

Юлдашев Анвар Эргашевич – тарих фанлари доктори, сиёсий фанлар номзоди, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Мавланов Укташ Махмасабирович – тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Хазраткулов Аброр – тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети.

### **08.00.00-ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ:**

Карлибаева Раја Хожабаевна – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Худойқулов Садирдин Каримович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Азизов Шерзод Ўкташович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Божхона институти;

Арабов Нурали Уралович – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Холов Актам Ҳатамович – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Шадиева Дилдора Ҳамидовна – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент в.б., Тошкент молия институти;

Шакаров Қулмат Аширович – иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент, Тошкент ахборот технологиялари университети

### **09.00.00-ФАЛСАФА ФАНЛАРИ:**

Ҳакимов Назар Ҳакимович – фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Яҳшиликов Жўрабой – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Ғайбуллаев Отабек Мухаммадиевич – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат чет тиллар институти;

Ҳошимхонов Мўмин – фалсафа фанлари доктори, доцент, Жиззах педагогика институти;

Носирходжаева Гулнора Абдукахаровна – фалсафа фанлари номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети.

### **10.00.00-ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:**

Ахмедов Ойбек Сапорбаевич – филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Кўчимов Шухрат Норқизилович – филология фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Салаҳутдинова Мушарраф Исамутдиновна – филология фанлари номзоди, доцент, Самарқанд давлат университети;

Кучкаров Рахман Урманович – филология фанлари номзоди, доцент в/б, Тошкент давлат юридик университети;

Юнусов Мансур Абдуллаевич – филология фанлари номзоди, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Сайдов Улугбек Арипович – филология фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси.

### **12.00.00-ЮРИДИК ФАНЛАР:**

Ахмедшаева Мавлюда Ахатовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Мухитдинова Фирюза Абдурашидовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Эсанова Замира Нормуротовна – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳамроқулов Баҳодир Мамашарифович – юридик фанлар доктори, профессор в.б., Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети;

Зулфиқоров Шерзод Ҳуррамович – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети;

Хайитов Хушвақт Сапарбаевич – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Асадов Шавкат Ғайбуллаевич – юридик фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси

Президенти хузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Сайдуллаев Шахзод Алиханович – юридик фанлар номзоди, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Амиров Зафар Актамович – юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD), Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши хузуридаги Судьялар олий мактаби

#### **13.00.00-ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ:**

Хашимова Дильдархон Уринбоевна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Ибрагимова Гулнора Хавазматовна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Закирова Феруза Махмудовна – педагогика фанлари доктори, Тошкент ахборот технологиялари университети хузуридаги педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ маркази; Тайланова Шоҳида Зайнине вна – педагогика фанлари доктори, доцент.

#### **19.00.00-ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:**

Каримова Васила Маманосировна – психология фанлари доктори, профессор, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Ҳайитов Ойбек Эшбоевич – Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни қайта тайёрлаш

ва малакасини ошириш институти, психология фанлари доктори, профессор

Умарова Навбаҳор Шокировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, Амалий психологияси кафедраси мудири;

Атабаева Наргис Батировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Қодиров Обид Сафарович – психология фанлари доктори (PhD), Самарканд вилоят ИИБ Тиббиёт бўлими психологик хизмат бошлиғи.

#### **22.00.00-СОЦИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:**

Латипова Нодира Мухтаржановна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири;

Сеитов Азамат Пўлатович – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети;

Содиқова Шоҳида Мархабоевна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон халқаро ислом академияси

#### **23.00.00-СИЁСИЙ ФАНЛАР**

Назаров Насридин Атакулович –сиёсий фанлар доктори, фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент архитектура қурилиш институти;

Бўтаев Усмонжон Хайруллаевич –сиёсий фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири.

---

### **ОАК Рўйхати**

Мазкур журнал Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2022 йил 30 ноябрдаги 327/5-сон қарори билан тарих, иқтисодиёт, фалсафа, филология, юридик ва педагогика фанлари бўйича илмий даражалар бўйича диссертациялар асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхати (Рўйхатга) киритилган.

#### **Crossref DOI:**

Таҳририят Crossref DOI нинг расмий аъзоси ҳисобланади ва 10.47.390 DOI префиксига эга. Ҳар бир нашр ва илмий мақолага индивидуал Crossref DOI рақами берилади.

#### **Google Scholar**

Журнал Google Scholar (Академия) да индексацияланади.

---

**Ижтимоий-гуманитар фанларнинг  
долзарб муаммолари** электрон журнали  
1368-сонли гувоҳнома билан давлат  
рўйхатига олинган.  
Муассис: "SCIENCEPROBLEMS TEAM"  
масъулияти чекланган жамият.

#### **Таҳририят манзили:**

Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-үй. Электрон манзил:  
[scienceproblems.uz@gmail.com](mailto:scienceproblems.uz@gmail.com)

Телеграм канал:

[https://t.me/scienceproblems\\_uz](https://t.me/scienceproblems_uz)

## МУНДАРИЖА

### 07.00.00 – ТАРИХ ФАНЛАРИ

<i>Аббасов Беҳзод Бахтиёрович</i>	
1946 – 1965 ЙИЛЛАРДА ФАРГОНА ВОДИЙСИДА ИРРИГАЦИЯ ВА МЕЛИОРАЦИЯ ИШЛАРИ ҲАМДА АҲОЛИНИ ЯНГИ ЎЗЛАШТИРИЛГАН ЕРЛАРГА КЎЧИРИШНИНГ БОШЛАНИШИ .....	10-21
<i>Бабаджанов Ҳасан Бахтиёрович</i>	
ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ДАВРИДА ЎЗБЕКИСТОНДА ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИ ТАЪМИНОТИДА ТОМОРҚА ХЎЖАЛИКЛАРИНИНГ ЎРНИ .....	22-27
<i>Саидбобоева Гулзора Нематжоновна</i>	
ГОЭЛРО РЕЖАСИ ВА УНИНГ ЎЗБЕКИСТОН ҲУДУДИДА АМАЛГА ОШИРИЛИШИ .....	28-36
<i>Rasulov Ma'murjon Foziljonovich</i>	
О'ЗБЕКИСТОНДА XALQARO SAYYOHLIKNI RIVOJLANTIRISHDA MADANIY MEROS ОBYEKTALARINING O'RNI .....	37-42
<i>Жиянбекова Шарофат Абдикахаровна</i>	
А.С. ПУШКИН НОМИДАГИ САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ КУТУБХОНА МАРКАЗИННИНГ ТАШКИЛ ЭТИЛИШИ ВА ШАКЛЛАНИШИ ТАРИХИ .....	43-51
<i>Esonov Ziyodbek Yuldashevich</i>	
FARG'ONA VODIysi QORAQALPOQLARI HUNARMANDCHILIGI TARIXIDAN .....	52-58
<i>Фарманова Гульнара Комилевна</i>	
ИЗ ИСТОРИИ ПЕРВЫХ АРХЕОЛОГИЧЕСКИХ РАБОТ И ИССЛЕДОВАНИЙ НА АФРАСИАБЕ .....	59-65
<i>Turaev Sherzod Gulboy ugli</i>	
DESCRIPTION OF CHARACTERISTICS AND TYPES OF LIVESTOCK FARMING OF SURKHAN OASIS IN B.H. KARMISHEVA RESEARCH .....	66-71
<i>Сотиболдиев Гайратжон Отамирзаевич</i>	
ИНТЕРНЕТНИНГ ТАЪЛИМ ТИЗИМИГА КИРИБ КЕЛИШИ ТАРИХИ: МУАММО ВА ЕЧИМЛАР .....	72-78
<i>Rasulov Azizkhon Mukhamadqodirovich</i>	
ЎЗБЕКИСТОННИНГ МУСТАҚИЛЛИК ДАВРИ ТАРИХИ МАНБАЛАРИНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ .....	79-90
<i>Абдуллајсанова Нигорахон Турдалиевна</i>	
БЕРУНИЙ ВА ИБН СИНО ҲАЁТИ ВА ИЛМИЙ МЕРОСИ ТАРИХШУНОСЛИГИДАН .....	91-95
<i>Дониёров Носиржон Абдухолик ўғли</i>	
ЎЗБЕК ТИЛИ ВА ИМЛО СИЁСАТИДАГИ ЎЗГАРИШЛАР ТАРИХИДАН .....	96-102

### 08.00.00 – ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ

<i>Юлдашев Обиддин, Махлиё Мамбетқурова</i>	
ИСЛОМИЙ СУФУРТА (ТАКАФУЛ) ВА УНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ .....	103-109

<i>Фозилов Умид Закирович</i>	
БОШҚАРУВ ХОДИМЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ОҚИЛОНА БАҲОЛАШ ТАШКИЛОТ БОШҚАРУВ ТИЗИМИ САМАРАДОРЛИГИНИНГ АСОСИ .....	110-118
<i>Shoyev Davronbek Axmadjonovich</i>	
BOSHQARISH SIFATINI OSHIRISHDA “MENEJMENT LABORATORIYASI”NI TASHKIL QILISHNING O’RNI .....	119-125
<i>Орзуқулова Зумрад Абдуҳолиқ қизи</i>	
ТРАНСПОРТ-ЛОГИСТИКА ХИЗМАТЛАРИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ ТАШКИЛИЙ-ИҚТИСОДИЙ МЕХАНИЗМЛАРИ .....	126-133
<i>Djurakulov Shoxrux, Isaxonova Mohinur</i>	
O’ZBEKİSTONDA RAQAMLI IQTISODİYOT VA UNI TAKOMILLASHTIRISH IMKONİYATLARI .....	134-139
<i>Raxmatullayeva Feruza Azimovna, Sharobiddinov Ahrorbek Qosimjon o’g’li</i>	
YALPI HUDUDIY MAHSULOT SAMARADORLIGINI OSHIRISH YO’LLARI .....	140-146
<i>Ёдгорова Шахноза Хайридиновна</i>	
ЎЗБЕКИСТОНДА ВА ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАРДА ТҮҚИМАЧИЛИК САНОАТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ТАЖРИБАЛАРИ .....	147-155
<i>Qurbanov Ma’murjon G’ayrat o’g’li</i>	
ASOSIY ISHLAB CHIQARISH KO’RSATKICHLARINI TAKOMILLASHTIRISH USLUBIYATI .....	156-166
<i>Nurullayev Hoshimjon Hamidovich</i>	
BUXORO VILOYATINING NOMODDIY-MADANIY MEROSONING O’ZBEKİSTON TURİZMI RIVOJLANISHIDAGI AHAMIYATI .....	167-172
<i>Маматов Бахадир Сафаралиевич</i>	
РИВОЖЛАНГАН ВА РИВОЖЛНАЁТГАН МАМЛАКАТЛАРНИНГ ПЕНСИЯ ТАЪМИНОТИ ТИЗИМИ ТАЖРИБАЛАРИ .....	173-188
<i>Гойиназаров Санжар Баходирович</i>	
ИНСОН КАПИТАЛИНИ РАҶАМЛЛИ РИВОЖЛАНТИРИШ ДРАЙВЕРЛАРИНИНГ ИНСТИТУЦИОНАЛ МОДЕЛИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ .....	189-195
<i>Садинов Азиз Зиядуллайевич</i>	
ЧИҚИНДИ МАҲСУЛОТЛАРИНИ ҚАЙТА ИШЛАШНИ ТАШКИЛ ЭТИШДА ТЕХНОЛОГИК ЖАРАЁНЛАРНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ .....	196-203
<i>Курбонова Раҳима Жамшедовна, Мирзаева Ширин Нодировна, Ҳакимов Дамир</i>	
ИЖТИМОЙ КАПИТАЛНИ ЎЛЧАШДА ИЖТИМОЙ ТАРМОҚЛАР ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИНГ РОЛИ .....	204-216
<i>Asamxodjayeva Shoira Shukurullayevna, Maxmudov Muxammadqodir Muzaffar o’g’li</i>	
YASHIL IQTISODİYOTNING MOHIYATI VA UNGA INVESTITSİYALARINI YO’NALTIRISH ZARURIYATI .....	217-222

*Исломов Алишер Бахтиёр ўғли*  
БУХГАЛТЕРИЯ АУТСОРСИНГ ХИЗМАТЛАРИНИ КЎРСАТИШДА ПРОФЕССИОНАЛЛИКНИ  
ТАЪМИНЛАШ ..... 223-229

*Agzamova Nargiza Gapurovna*  
SPECIFICS OF ETHNOGRAPHIC TOURISM AND ETHNIC TOURISM IN UZBEKISTAN .... 230-237

*Муродова Дилноза Чориевна*  
ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИНГ ФАОЛИЯТИНИ ТАРТИБГА СОЛИШ БЎЙИЧА ХОРИЖ  
ТАЖРИБАСИ ВА УНИНГ АМАЛИЙ АҲАМИЯТИ ..... 238-245

*Khodjaeva Shodiyabonu Abitjanovna*  
QISHLOQ XO'JALIGIDA AGROMARKETING TIZIMINING AHAMIYATI VA UNING  
FUNKSIYALARI ..... 246-250

#### **09.00.00 - ФАЛСАФА ФАНЛАРИ**

*Нуруллаева Зулхумор Сидаматовна*  
МИЛЛИЙ ВА УМУМИНСОНӢЙ МАДАНИЯТ ТИЗИМИДА МАҚОМ САНЪАТИНИНГ  
ҮРНИ ..... 251-259

*Ibroximov Sarvar Mo'ydinjon o'g'li*  
IJTIMOIY-GUMANITAR VA MUTAXASSISLIK FANLARNI INNOVATSION PEDAGOGIK  
TEXNOLOGIYALAR ASOSIDA O'QITISH ORQALI TALABALARDA FUQAROLIK POZITSIYASINI  
TAKOMILLASHTIRISH ..... 260-265

*Yuldashev Ibroxim To'ychiyevich*  
MOVAROUNNAHR VA XUROSONDA MINIATYURA SAN'ATINING ADABIYOT BILAN O'ZARO  
UYG'UNLIGI VA G'OYAVIY ESTETIK VA AXLOQIY TASAVVURLARINING  
MUSHTARAKLIGI ..... 266-271

*Khamdamova Sitora Safarovna*  
MARKAZIY OSIYO XALQLARI TARIXIY TARAQQIYOTIDA KROSS-MADANIYATINING O'ZIGA  
XOSLIGI ..... 272-277

*Абдуллаев Джасур Абдивайт ўғли*  
ФИЛОСОФСКИЙ АНАЛИЗ КЛАССИФИКАЦИИ КАЧЕСТВ СОВЕРШЕННОГО  
ЧЕЛОВЕКА ..... 278-283

#### **10.00.00 - ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ**

*Xasanov Akbarjon Abdurashidovich*  
O'ZBEK TILSHUNOSLIGIDA MILLIY KONSEPTOSFERANI VOQELANTIRUVCHI LINGVISTIK  
BIRLIKlar BO'YICHA AMALGA OSHIRILGAN TADQIQOTLAR ..... 284-292

*Qurbanova Muharram Jurabekovna*  
XURSHID DAVRON SHE'RIYATINING TIL XUSUSIYATLARI ..... 293-297

*Сафарова Замира Рустамовна*  
ИНГЛИЗЧА ФРАЗЕОЛОГИЗМЛАР ТАРКИБИДАГИ ИНСОН НОМЛАРИНИНГ ЭТИМОЛОГИК  
ТАСНИФИ ..... 298-304

<i>Gubaydullin Artur Faridovich</i>	THE NUANCES OF HUMOR TRANSLATION IN TERRY PRATCHETT'S 'GOOD OMENS' ....	305-313
<i>Tuxtayeva Dildora Zokirovna, Baxtiyorova Malikabonu Shavkat qizi</i>	ETEL LILIAN VOYNICHNING "SO'NA" ASARIDA BOSH QAHRAMONLAR DINAMIKASI ...	314-318
<i>Seytnazarova Injayim Erjanovna</i>	TILEWBERGAN JUMAMURATOV ASARLARIDA UNDALMALARNING USLUBIY QO'LLANILISHI .....	319-325

<i>Асадова Дилбархон</i>	ЎРХОН ПАМУҚНИНГ "ҚОРА КИТОБ" РОМАНИДА "ЎЗЛИКНИ ИЗЛАШ" МОТИВИ ....	326-342
--------------------------	-------------------------------------------------------------------	---------

<i>Khusanov Eldor Davlat o'g'li</i>	BUYUK BRITANIYA VA AMERIKA INGLIZ SHEVALALARINING O'XSHASH VA FARQLI JIHATLARI .....	343-348
-------------------------------------	-----------------------------------------------------------------------------------------	---------

## 12.00.00 - ЮРИДИК ФАНЛАР

<i>Утемуратов Махмут Ажимуратович</i>	ЖАМИЯТДА ХУҚУҚИЙ ОНГ ВА ХУҚУҚИЙ МАДАНИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ – ХУҚУҚИЙ ДЕМОКРАТИК ДАВЛАТ БАРПО ЭТИШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ .....	349-355
---------------------------------------	-----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------	---------

<i>Шымбергенова Улзада</i>	ТЕРГОВ ҲАРАКАТЛАРИДА ВОЯГА ЕТМАНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАНФААТЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШДА ПЕДАГОГ (ПСИХОЛОГ)НИНГ РОЛИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ .....	356-362
----------------------------	----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------	---------

<i>Полвонов Нажмиддин Аслиддинович</i>	ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИДА МОЛ-МУЛКНИ МУСОДАРА ҚИЛИШ МАҚСАДИ ВА УНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ ТАҲЛИЛИ .....	363-372
----------------------------------------	---------------------------------------------------------------------------------------------------	---------

<i>Мирзаев Щухрат Шавкатович</i>	КАТЕГОРИЯ «ДЕЙСТВИЕ ПРАВА»: ПОНЯТИЕ, СУЩНОСТЬ И ПРЕДЕЛЫ .....	373-382
----------------------------------	---------------------------------------------------------------	---------

<i>Муҳаммадиев Сарвар Асқар ўғли</i>	"ЖИНОЯТ НАТИЖАСИДА ЕТКАЗИЛГАН ЗАРАРНИ УНДИРИШДА РАҶАМЛАШТИРИШ ИМКОНИЯТЛАРИДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ МАСАЛАЛАРИ" .....	383-392
--------------------------------------	------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------	---------

<i>Махмудов Суннат Азим ўғли</i>	ЖИНОЯТ ИШИНИ ТУГАТИШ АСОСИ СИФАТИДА ЯРАШУВ ВА ХУСУСИЙ АЙБЛОВНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ .....	393-399
----------------------------------	-----------------------------------------------------------------------------------------------	---------

## 13.00.00 - ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ

<i>Farrux Axmedov</i>	XALQARO TAJRIBALAR ASOSIDA KURASHNI RIVOJLANTIRISH .....	400-409
-----------------------	----------------------------------------------------------	---------

<i>Музабарова Соодат Хайдаровна</i>	ЎРТА АСРЛАР ШАРҚ АЛЛОМАЛАРИ МАҶНАВИЙ МЕРОСИДА МУСИҚА ВА УНИНГ ЭСТЕТИК АҲАМИЯТИ .....	410-415
-------------------------------------	-----------------------------------------------------------------------------------------	---------

*Xaydarova Iroda Nizomiddinovna*

BO'LAJAK INGLIZ TILI O'QITUVCHILARI TALAFFUZINI TAKOMILLASHTIRISH NUQTAYI  
NAZARIDAN 2020-2021 O'QUV YILI FAN DASTURLARI VA MATERIALLARI TAHLILI ... 416-421

*Шукрова Нафиса Алишеровна*

ЗАМОНАВИЙ ВОЛЕЙБОЛГА ХОС ҲИМОЯ ҲАРАКАТЛАРИНИ МОДЕЛЛАШТИРИЛГАН  
ТАРТИБДА ШАКЛЛАНТИРИШ ..... 422-427

*Nigmanov Bori Botirovich*

FUTBOLCHILARNI TAKTIK TAYYORLASHDA HARAKATLI O'YINLARNING  
AHAMIYATI ..... 428-433

*Муродова Дурдона Раимжон қизи*

БҮЛАЖАК МУСИҚА ТАЪЛИМИ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИНГ БАДИЙ-ЭСТЕТИК  
КОМПЕТЕНТЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ИННОВАЦИОН ПЕДАГОГИК  
ТЕХНОЛОГИЯСИ ..... 434-438

*Axmedov Alisher Nosir o'g'li*

ANSAMBL BILAN ISHLASH METODLARI VA TAMOYILLARI ..... 439-447

*Saparboyeva Dilshoda Sobir qizi*

BOSHLANG'ICH SINF O'QUVCHILARIDA INSON QADRINI ULUG'LASH MADANIYATINI  
RIVOJLANTIRISH MEXANIZMLARI ..... 448-452

*Mansurbekova Feruza Gayratovna*

BOLALAR XORLARI BILAN ISHLASHNING O'ZIGA XOS XUSUSIYATLARI ..... 453-456

*Xodjayev Bolta Qurbonovich, Xojiyeva Matluba Shukurovna*

O'QITUVCHI MEHNATNI ILMIY ASOSDA TASHKIL ETISH YO'LLARI ..... 457-465

*Atamuratova Munira*

O'ZBEK GURUHLARIDA INGLIZ TILINI XORIJY TIL SIFATIDA O'QITISHDA MADANIY  
ASPEKTDAN FOYDALANISHGA OID ZAMONAVIY YONDASHUVLAR VA INTERFAOL  
METODLAR TAVSIFI ..... 466-471

*Нурилло Эминов*

ХОРАЗМ ДОСТОНЛАРИНИНГ МОҲИР ИЖРОЧИСИ ОТАХОН МАТЁҚУБОВНИНГ ИЖОДИГА  
БИР НАЗАР ..... 472-476

*07.00.00 – Тарих фанлари*

**Дониёров Носиржон Абдухолиқ ўғли**

ЎзФА Тарих докторанти

Email:[doniyorovnosir94@gmail.com](mailto:doniyorovnosir94@gmail.com)

Tel: +998940370203

## **ЎЗБЕК ТИЛИ ВА ИМЛО СИЁСАТИДАГИ ЎЗГАРИШЛАР ТАРИХИДАН**

**Аннотация.** Мақола советлар юргизган сиёсатининг асосий устунларидан бири “маданий инқилоб”нинг бандларидан бири Ўзбекистон ССРда ўтказилган алифбо ислоҳотига бағишиланган. Мазкур сиёсатнинг ўюштирилиш сабаблари ва унинг амалга оширилиши; ўша давр шарт-шароитлари; бунга зиёлиларнинг реакцияси; ўзбек халқига олиб келган оқибатлари ва бошқа масалалар турли манба ва архив материаллари асосида очиб берилади.

**Калит сўзлар:** “маданий инқилоб”, араб алифбоси, лотин алифбоси, кирил алифбоси, Ўзбек янги алифбо қўмитаси, саводли, саводсиз ва чаласавод.

---

**Дониёров Носиржон**

Студент Института истории,  
Академии наук Узбекистана

## **ИЗ ИСТОРИИ ИЗМЕНЕНИЙ УЗБЕКСКОГО ЯЗЫКА И ОРФОГРАФИЧЕСКОЙ ПОЛИТИКИ**

**Аннотация.** Статья посвящена реформе алфавита, проводимой в Узбекской ССР, одному из основных столпов советской политики, одному из пунктов «культурной революции». Причины организации этой политики и ее реализации; условия того времени; реакция интеллигенции; Последствия, принесенные узбекскому народу, и другие вопросы раскрываются на основе различных источников и архивных материалов.

**Ключевое слово:** «культурной революции», арабский алфавит, латинский алфавит, кириллица, Комитет по узбекскому новому алфавиту, грамотность, безграмотность.

---

**Doniyorov Nosirjon**

a student of Institute of History,  
The Academy of Science of Uzbekistan

## **FROM THE HISTORY OF CHANGES IN THE UZBEK LANGUAGE AND SPELLING POLICY**

**Abstract.** The article is devoted to the alphabet reform carried out in the Uzbek SSR, one of the main pillars of the Soviet policy, one of the clauses of the "cultural revolution". Reasons for organizing this policy and its implementation; the conditions of that time; the reaction of the intellectuals; The consequences brought to the Uzbek people and other issues are revealed based on various sources and archival materials.

**Keywords:** "cultural revolution", arabic script, ABC(latin), cyrillic alphabet, Uzbek new alphabet committee, literacy, illiteracy.

---

DOI: <https://doi.org/10.47390/SP1342V3I4Y2023N12>

Маълумки, совет ҳукумати маданий инқилобнинг асл вазифаларидан бири Иттифоқ таркибига кирган халқлар маданий меросини инкор этиш сиёсати бўлиб, араб ёзувини амалдан олиб ташлаш сиёсатида ҳам бу яққол кўринди. Бунга сабаб қилиб араб ёзувининг ўзлаштириш учун анча қийинлашиб мураккаблашиб кетганлиги сабабли саводсизлик миқдори анча баландлиги, хусусан, Туркистонда саводлилар 1.7%ни ташкил қилиши[5; Б.109.] – сунъий равишда тўқиб чиқарилади. Аҳолининг саводлилик даражасини ошириш масаласига ягни ёзилиш графикаси содда ва осонроқ бўлган лотин ёзувига ўтказиш асосий ечим қилиб кўрсатилади ва бу 1921 йилдаёқ ўзбек тили ва унинг имлосига бағишлиланган 1-Ўлка қурултойида ўртага ташланади.

Бу масалага тараққийпарварларимиз бошқача ёндашувни таклиф этишди. 1921 йилги кенгаш иштирокчиси Абдурауф Фитрат ўз нутқида араб графикасини босмалашда ва қўллашда бир қатор қийинчиликлар борлигини кўрсатиб ўтиш билан бирга, уни соддалаштириш зарурлигини таклиф қилган ҳолда араб графикасини сақлаб қолиш лозимлигини таъкидлайди. Ҳақиқатан ҳам бу даврда ёзувни тубдан ислоҳ қилиш пайти келган эди. Чунки эски имло қоидалари қийин, тегишли белгиларига эга эмас эди. Бу долзарб муаммога илк бор, анча аввалроқ Фитрат ташаббус қилиб “Чигатой гурунги” ташкилотини ташкил қилиб[1, Б.149.], унинг аъзо(таниқли зиёлилари Ашурали Зоҳирий, Ғози Олим Юнусов, Ниғмат ҳаким, Шокиржон Раҳимий, Қаюм Рамазонов ва бошқалар)лари билан биргаликда жиддий равишда киришган. Улар бу йўлда катта ишларни амалга ошириб, ислоҳ этилган ёзувда кўплаб китоблар чиқарди ва янги ўзбек адабиётини яратиш асосларини ишлаб чиқди.

Европа миллатига масуб маориф ва маданият ходимларининг катта қисми араб имлосидан фойдаланишни тугатиш ва лотин графикасига ўтиш масаласига муносабати ижобий бўлсада, айримлари холисона ёндашишди. Улар араб ёзувининг араб ва рус графикаларига қараганда бадиий-эстетик жиҳатдан устунлигини эътироф этишди(Л. Жирков), лотинлаштириш тадбирларига қарши фикрлар билдиришди (Бройдо)[4; Б.92-94.]. 1922 йил охирларига келиб алфавитни ўзгартириш масаласида мунозаралар янада кучайди. Йиғилишларида бу масала яна бир бор кескин тортишувга сабаб бўлди. Е.Д.Поливанов, Ўрта Осиё халқлари тиллари билимдони, араб имлосидан воз кечиш оғирлигини эътироф этсада, аммо араб ёзувини алмаштириш позитсиясида эканлигини айтади.

Совет мамлакати ҳудудида биринчи бўлиб лотин ёзувига ўтган давлат Озарбайжон Республикасидир. 1922 йили Озарбайжон МИК раиси С.Ағмали раҳбарлигига “Озарбайжон янги алифбоси қўмитаси” тузилади ва кўпгина мутахассисларни ўзига қамраган қўмита қисқа муддатда кенг кўламли ишларни амалга оширишга эришади. Янги алифбо қўмитаси томонидан Бокуда “Янги йўл” газетаси, “Келажак” журнали нашр этилиб қисқа вақтда 70 мингга яқин кишининг саводини чиқарib улгурилади. 1923 йилда эса лотин ёзуви давлат ёзуви деб эълон қилинади.

1926 йил феврал-март ойларида Боку шаҳрида бутун иттифоқ Туркология сеъзида чакирилади. 9 кун давом этган бу йиғилишда туркий халқлар тарихи, этнографияси, ўлкашунослик масалалари курилсада, лекин асосий масала – алифбога қаратилди. Ассоциация раиси М.Павлович фикрича, араб ёзуви маъносиз имло, нодонлик ва

жаҳолат белгиси бўлиб, лотин тилига ўтиш туркий халқларга Оврўпаликлар эришган цивилизацияга олиб келади. В.В.Бартолд, С.Ф.Ольденбург, А.Н.Самойлович каби таниқли шарқшунос олимлар бу масалага холисона ёндашмадилар[6,392-бет]. Алифбо ислоҳоти тўғрисидаги “расмий кўрсатма”дан чиқмаган ҳолда, Шарқ халқлари тарихи ва маданиятини ўзида мужассам қилган минглаб араб ёзувидаги қимматбаҳо манбалардан Ўзбекистон халқларини маҳрум қилишда ўз ҳиссаларини қўшдилар.

Янги турк алифбоси умумрус МК Озарбайжон халқининг амалиётини барча шарқий республикаларда амалиётга татбиқ этишини режалаштириди. 1926 йил Боку қурултойидан кейин ЎзССР МК IV сессиясида Й.Охунбобоев бошлилигида 44 кишидан иборат Ўзбек янги алифбо қўмитаси ва 7 вилоят қумиталари ҳам тузилди[11; В.11.]. Бутун ташкилий ишларни қўмита ўз зиммасига олди. 1927 йил 17 апрелидан Ўзбекистон халқ маориф қўмитаси биносига кўчирилади. Бу ташкилот Ўзбекистонда лотинлаштириш учун аллақачон амалий ишлар бошланганлиги ва Ўзбекистон Озарбайжондан кейин иккинчи ўринда кетаётганлиги[9; В.12.] таъкидланади.

1927 йилнинг май ойида Самарқанд шаҳрида қозоқ, қирғиз халқлари вакиллари келади ва улар икки кун давомида умумий ёзув қоидаларини қабул қилиш юзасидан мунозаралар олиб борадилар. Натижада Ўрта Осиё туркий халқлари учун бир хил ҳарф-белгилари танланади. Ўхшаш лаҳжалар ҳам илмий ўрганилиб, улардаги унли товушларнинг фарқли жиҳатлари умумлаштирилиб, 9 унли товуш учун 5 та шакл танланади, мавжуд 39 та ундош товуш ўрганилиб, улар учун 23 ёзувдаги ифода – ҳарф танланади ва жами 28 ҳарфдан иборат янги ихчам алифбога эришилади. Шунингдек, ортиқча ҳаражатларни иқтисод қилиш мақсадида катта-кичик, ёзма-босма шакллардан воз кечилади. Шу тариқа 1927 йил 28-29 май кунлари Самарқандда қозоқ, қирғиз халқлари вакиллари билан кенгашган ҳолда Ўрта Осиё туркларининг янги араб алифбосини яратишга эришилди.

Даврий матбуот ҳам худди Озарбайжондаги каби аста-секин янги ўзбек алифбосига ўта бошлайди, маҳсус бўлимлар ажратилади. 1928 йил 1 январдан маҳсус “Аланга” журнали, “Маориф мактаби” журналининг иловаси; маҳсус кичик газета “Қизил тамға” нашр этила бошланди[13; В.9.]. Бу газеталарда янги алифбо пропагандаси ва уни ўргатиш ишлари олиб борилган. Лотин графикасидаги публикатсия ишларига зўр бериб революция тусини бермоқчи бўлишди. Буни қуйидаги маълумотларни тақъослаш орқали билиб оламиз: 1932 йилда янги алифбода 60дан ортиқ газета ва журнал чиқарилади. 1925-26 йилларда эса кўпи билан араб имлосида 15-16 та газета ва журнал чоп этилган[14; В.2.].

Амалдаги араб алифбосини бекор қилиш ва янги алифбонинг жорий қилишни ўтказиш учун жуда катта ташкилий, иқтисодий, ғоявий воситаларни ишга солишга тўғри келди. Дастлаб, 1927 йил август ойида Ўзбекистон МИК қошида ilk янги алифбони ўрганиш ўқув курси иш бошлайди. Унда ўқитувчилар 1,5 ой давомида янги алифбосини ўзлаштиришиб, октябр ойидан тегишли худудларда лотин имлосига ўтиш ишларига раҳбарлик қила бошлайдилар[1; Б.155.]. 1927-1928 йилларда юртимизда шу каби 91 курс фаолият юритиб, 2737 киши саводли деган номга сазовар бўлиб битиришган[12; В.9.]. 1929 йил ёз ойларидан эса 30 кишилик 2 ойлик район қўмита раҳбарлари тайёрлаш курслари очилади. Бунинг учун яна араб ёзувини биладиган ўқитувчиларни лотин тилини ўқитишга тайёрлаш белгиланади; Касаба уюшмалар,

камсомол ва бошқа ташкилот ишчиларини 1929 йил апрел ойидан 1929 йил ўқув йили бошлангунга қадар саводли қилиш белгиланади[10; В.17-20.]. Бу ишларга ўқитувчилардан ташқари, ҳатто, талабалар ҳам жалб қилинди. 1928-1929 йил ўқув йили охиридан синфдан ташқари ишлар қаторида университет талабаларига мактаблардан тўғараклар ташкил этиш ва камида 5 одамни саводли қилиб қайтиш ва бу ҳақида маҳаллий қўмиталарга қўмиталарга ҳисбот топшириш кераклиги[10; В.20.] белгиланади.

1929 йил 15-23 май кунлари Самарқандда ўтган Ўзбекистон адиблари, имлочилари ва етакчи зиёлилари конференциясида ўзбек ёзувини араб графикасидан лотин графикасига ўтказиш ҳақида қарор қабул қилинди. Қарор 1929 йил 10 августда Ўзбекистон ССР Маориф халқ комиссарлиги ҳайъати томонидан тасдиқланди[7; Б.554.]. 1931 йил январидан бошлаб яна бир машъум қарор “араб имлосида идораларга ёзилган хатлар кўриб чиқилмаслиги тўғрисида” [10; В.68.]ги қарори қабул қилинди. Бундан советларнинг асл юзларини очувчи яна бир нопок сиёсалари - динга қарши ҳаракатлари ҳам бевосита бунга боғланиб кетганлигини сезамиз. Араб ёзуви тарафдорларига “большевиклар ғалабасига ёмон кўз билан қаровчи диний мутасаддилар” дея баҳо берилди.

Аҳолини янги алифбога ўтказиш тадбирлари жуда катта маблағни талаб қиласди. Ўзбекистонда нашриёт ва типография, яъни шрифтлар сотиб олиш, инструкторлар ва ўқитувчи тайёрлаш учун 1926-27 йиллар 30 000 сўм, 1928-29 йиллар 482 788 сўм, 1929-30 йиллар 671 933 сўм пул[4; Б.106.] ажратилди. Шунга қарамасдан, эҳтимол, бюджетдан ажратилган маблағлар камлиги туфайли турли муаммолар пайдо бўлган. Масалан, 1928-1929 ўқув йилидан Янги ўзбек алифбо МК ва халқ маориф камиссарлиги дарсликларнинг 90% ини янги ўзбек алифбосида босиб чиқариш планлаштирилади. Бироқ, нашриёт пул билан таминланмагач ўша йили тахминан 50-60% дарсликлар эски араб графикасида босилади[10; В.23]. Ўзбек тили ва қисман бошқа фанларни янги алифбода ўрганиш йўлга қўйилади[15; В.51-52.]. Аммо, юқорида таъкидлаб ўтилганидек, янги алифбода чоп этилган дарсликлар деярли йўқлиги сабабли, таълим муассасалари икки (араб ва лотин)алифбода параллел равишда иш олиб боришга тўғри келади.

Янги алифбони жорий этиш қўмитаси(ЯЎА) араб алифбосини тўлиқ алмаштириш бўйича асосий ишларни якунлаш учун янги алифбони жорий этиш режасини беш йил (1928-1932) ичida якунлаш режалаштирилди. Унга кўра 1929-1930 йилларга келиб, шаҳарлар ва катта аҳоли яшаш пунктларининг уюшган аҳолиси ўртасида янги алифбони ўрганиш; қишлоқларда эса 1931-1932 йилларда тугаши[15; В.51.] кўзда тутилди. Аммо бироз вақт ўтиб 1928 йил май ойида ЯЎА МК плани араб алифбоси ўрнига янги – лотин алифбосини татбиқ қилишни икки йилда, яни, 1928-1929 йилдан бошлаб 1929-1930 йил охирида тамом қилишни режалаштиради ва 1930 йили бутунлай лотин алифбосига ўтиш тугалланиши белгиланди[10; В.14]. Совет ҳокимияти кўриниб турибдики, маданиятнинг барча соҳалари каби бу соҳага ривожига ҳам “революция” тусини бермоқчи бўлган ва катта тезлик билан аҳолини лотин ёзуви орқали саводсизлик миқдорини камайтирмоқчи бўлган. Хўш улар бу мақсадга етишдими? Агар архив ҳужжатларига мурожаат қиласиган бўлсак, 1926-27 йиллар 20000; 1927-28 йилларда 76143; 1929 йилнинг биринчи ярмида 251814 одам[9; В.10.], 1932 йилга келиб

аҳолининг 51-52% янги алифбода саводли эди дейилади ва, ҳатто, 1936 йил охирига келиб ҳарф танимайдиган саводсизлар қолмаганлиги айтилади[2; Б.87.]. Аммо баъзи адабиётларда шу йили Ўзбекистонда 500000 нафар саводсиз, 202000 та чаласавод борлиги[5; Б.113.] қайд қилинган. Бундан ўқув ишларининг йўлга қўйилишига қарамай жойларда партия ва совет идораларининг саводсизлар ва чаласаводлар ҳақида аниқ маълумотларга эга эмаслиги англашилди.

Саводсизлик ва чаласаводлиликни тугатиш мактаб ва курслари ишини баҳолайдиган бўлсак, кўп жойларда ишлар қониқарсиз ташкиллаштирилган ёки умуман тизимлаштирилмаган эди. Масалан, “Бойсун районида савод мактабларига раҳбарлик бўлмаганлиги учун ташкил қилинган савод мактаблари ўз-ўзидан тарқаб кетмоқда эди[17; Б.4.]”- дея “Ўқитувчи” газетасининг 1938 йил апрел сонида хабар берилади. Шунингдек, унда: “Ворошилов” колхозида ташкил қилинган савод мактабларига раҳбарлик бўлмаганидан ёпилиб қолди. Саводсиз хотин-қизларга эса шу вақтгача мактаб очиб берилган эмас. Янгиобод қишлоқ советидаги “Бирлик”, “Қизил карвон” ва “Ижтимоий куч” колхозларида ташкил қилинган савод мактабларида январ ойидан бери ўқишлиар тўхтаб қолган. Раён марказларидан узоқда бўлган колхозлардаги савод мактаблари тўғрисида гапириб ўтиришнинг ҳам ҳожати йўқ. Чунки у жойларда савод мактаблари давом қиласидими, йўқми? – бу тўғрисида раён маорифи бўлимидаги ўртоқлар ҳеч нарса билмайдилар, [17; Б.4.]”- деб хабар берилади. Республикада кўп ҳолларда кишилар бу мактабларга расман, ташкилотларнинг рўйхатларидан номигагина ўтиш учун келиб кетар, саводсизликни тугатганлик ҳақидаги номга эга бўлар, аслида эса янги алифбони ўзлаштиришмаганларича қолайверишган[5; Б.114.].

Юқорида араб ёзувини лотин ёзувига ўтказиш учун қайд этилган тадбирлар-у ажратилган маблағлар 1940 йил кераксиз уюштирилган тадбирга айланиб қолди. Чунки ўша йилнинг 8 май санасида Ўзбекистон ССР Олий Советининг III сессиясида ўзбек ёзувида тағин бошқа бир ислоҳат ўтказишга қарор берилди. Энди ўзбек халқи рус графикаси асосидаги янги ўзбек алфавитига ўтиш учун сарсон қилинди. Кирилл алифбоси асосидаги янги ўзбек алифбоси лойиҳаси қарор чиқишидан 5 ой аввал халқ оммасига таништирилди[3; Б.3.], коференсия ўтказилди ва “халқ оммасининг ташаббуси” [16; Б.1.] дея эълон қилинди. Бу ҳам советларнинг тоталитар идора услубига асосланган, ҳукмрон мафкура сиёсатига бўйсиндирилган халққа нисбатан берилган навбатдаги маънавий зарба бўлиб, бу зарар ҳақида гап ҳам бўлмаган. Ҳатто, жадидларимиз ҳам қарши фикр билдиришга юрак бетлашмаган. Сотсиализм револютсияси, шунингдек Ленин ва Сталин асарлари, айнан мана шу графикага асосланган рус тили билан дунёга ёйилаётганлиги ва саводсизликни тугатиш учун қурол дея важлар қўрсатишади. Вақтнинг ўзи кўрсатдики, на социализм ва на рус тили дунёга ҳукмрон сиёсат ва халқаро мулоқат тили бўла олмади. Ҳаммага ҳам бирдек маълумки, халқлар мулоқот тили ва фан тили инглиз тили бўлиб қолди ва давом этмоқда.

Янги алфавитни татбиқ қилиш Ўзбекистон Маориф Халқ Комиссарлигига топширилади. Ҳатто, XX аср 40-йилларида рус тилини ўқитиш мажбурийлиги тўғрисида қонун[8; Б.285.] ҳам қабул қилинди. Кадрлар тайёрлаш мақсадида 300 кишилик марказий курс ва кўп сонли маҳаллий курслар очиб, бошланғич ҳамда ўрта мактаб ўқитувчиларини қайтадан тайёрлаш режалаштирилди. 1940 йил давомида 38 номдаги

дарслик янги кирил алифбоси асосида чиқарилди. 1940-1941 ўқув йилларида 2 миллиондан ошиқ ўқувчиларга янги алифбони ўзлаштиришлари белгиланади[16; Б.1.].

Шўроларнинг 1940 йилги алифбо сиёсати уларнинг аввал бошдан ўйлаб қўйилган рус маданияти ва тилини шарқ мамлакатларига ёйиш ва уларни Иттифоқ халқлари тенглиги ҳақидаги ёндошувидан қатий назар янада кўпроқ ўзларига боғлиқликда сақлаш, яни Чор Россиясидан мерос қолган мақсадининг амалга ошишни кўрсатувчи индикаторлардан бири эди.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, XX асрнинг 20-30 йилларида араб имлосининг ўйқ қилиниш сиёсати бу ота-боболаримиздан қолган минглаб қимматли меросимиздан, ўзлигидан ва Шарқ халқларидан айириш эди. Бундан шу нарса келиб чиқадики, советларнинг алифбомизни бот-бот алмаштириш сиёсатини шартли равища “маънавий қатағонлик”дейишимиз мумкин. Кейинроқ 40 йилларда олиб борилган нотўғри тил сиёсати ва турли тазиқлар оқибатида СССР ҳудудида рус бўлмаган халқлар миллий-адабий тилларининг, жумладан, ўзбек тилининг турли соҳалардаги вазифа имкониятлари ниҳоятда чекланди, уларнинг тўлиқ ва эркин ривожланишларига сунъий тўсиқлар қўйилди. Миллий тил-ёзувни қўллаб-қувватлаш ўрнига бутун эътибор рус тили қўламини ёйишга қаратилди; сабиқиттифоқдаги барча тиллар учун умумий луғавий фонд яратилди. Натижада ўзбек тили ривожланиши учун имкониятлар тўсилди.

#### Адабиётлар/Литература/References:

1. Б. Ирзаев, Д. Ирзаева. Лотинлаштириш компанияси ва унинг матбуотда ёритилиши. Ўзбекистонда совет даврида амалга оширилган сиёсий кампаниялар(“Совет даврида Ўзбекистонда амалга оширилган сиёсий компаниялар ва уларнинг фожиали оқибатлари” мавзусидаги Республика илмий-амалий анжумани материаллари). Тошкент. 2017 йил.
2. В.Я.Непомнин. Ўзбекистоннинг социализмга ўтиши.”Ўзбекистон”. 1972.
3. И.Махсумов. Янги ўзбек алифбосининг проекти ҳақида. Қизил Ўзбекистон 1940 йил, 10 январь.
4. Н.М.Мустафаева. XX асрнинг 20-30 йилларида Ўзбекистон маданиятининг асосий ўйналишлари ва муаммолари давр тарихшунослигида мавзусида фан номзодини олиш учун диссертацияси. Тошкент. 1999.
5. Т. Раҳмонов. XX асрнинг 30 йилларида Ўзбекистондаги ижтимоий ва маданий ҳаёт (муаммо ва ечимлар). “Бухоро”. 2011.
6. Ўзбекистоннинг янги тарихи. 2-китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида.
7. Ўзбекистон тарихи (1917-1991 йиллар). Биринчи китоб(1917-1939).
8. Ўзбекистон тарихи (1917-1991 йиллар). Иккинчи китоб(1939-1991).
9. ЎзМА. Р-86-фонд, 1-рўйхат, 4485-иш.
10. ЎзМА. Р-86-фонд, 1-рўйхат, 4486-иш.
11. ЎзМА. Р-86-фонд, 1-рўйхат, 4490-иш.
12. ЎзМА. Р-86-фонд, 1-рўйхат, 5912-иш.

13. ЎзМА. Р-86-фонд, 1-рўйхат, 5919-иш.
14. ЎзМА. Р-86-фонд, 1-рўйхат, 7454-иш.
15. ЎзМА. Р-837-фонд, 3-рўйхат, 503-иш.
16. Қизил Ўзбекистон. 1940 йил, 9 май.
17. Қ.Мадалиев, С.Қаюмов. Савод мактаблари ёпилиб қолмоқда. Ўқитувчи. 1938 йил, 2 апрел. №31.

# **SCIENCEPROBLEMS.UZ**

## **ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ**

Махсус сон

*Nº S/4 (3) – 2023*

## **АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО- ГУМАНИТАРНЫХ НАУК**

**ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES**

**Ижтимоий-гуманитар фанларнинг  
долзарб муаммолари**" электрон  
журнали 2020 йил 6 август куни 1368-  
сонли гувоҳнома билан давлат  
рўйхатига олинган.

**Муассис:** "SCIENCEPROBLEMS TEAM"  
масьулияти чекланган жамият

**Таҳририят манзили:**

100070. Тошкент шаҳри, Яккасарой  
тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-  
уй. Электрон манзил:  
[scienceproblems.uz@gmail.com](mailto:scienceproblems.uz@gmail.com)

**Боғланиш учун телефонлар:**  
(99) 602-09-84 (telegram).